

Куч—адолатда



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 2000 йил, 14 июль, № 25 (260) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

...Мустақиллик миллатимизга, халқимизга кимдир томонидан ҳади этилган неъмат эмас. Уни халқимиз ўз эрксевар фарзандларининг қони эвазига қўлга киритганини янада яхшироқ тушунтириб беришимиз даркор. Истиқлол, шубҳасиз, буюк неъмат. Унга барчамиз муносиб бўлишимиз ва уни кўз қорачиғидек асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.


Ислом КАРИМОВ.

ИСТИҚЛОЛ КАЛЕНДАРИ

1991 йил 31 август — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинди.
1991 йил 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи қабул қилинди.
1992 йил 2 июль — Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби қабул қилинди.
1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.
1992 йил 10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинди.



Бизнинг фахримиз, ғуруримиз, ифтихоримиз



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрь кунини тасдиқланган.

Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий аъёнларини ўзида мужассамлаштиради.

1. Байроқдаги мовий ранг Тирчилик мазмуни акс этган мангу осмон ва обихайот рамзидир. Тимсоллар тилида бу — яхшилик, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангга эди.

2. Байроқдаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва қонинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва ҳаёллар тозаллиги, ички гузаликка интилишнинг тимсолидир.

3. Яшил ранг — табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қизил чизиқлар вужудимизда қўшиб оқатган ҳаётини қудрат ирмоқлари дидир.

5. Навқирон яримой тасвири бизнинг тарихий аъёнларимиз билан боғлиқ.

Айни пайтда, қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзидир.

6. Юлдузлар барча халқлар учун руҳоний, илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 та юлдуз тасвири ҳам тарихий аъёнларимиз, қадимги қўёш йилномамизга бевосита алоқадордир.

Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадида қадимги давлатлар илмий тафаккурда «Нужум илми» тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади. Давлат байроғимиздаги ўн икки юлдуз тасвири ўзбек халқи маданияти қадимийлиги, унинг қомилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИНING

ДАВЛАТ ГЕРБИ



Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1992 йил 2 июль кунини тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби гуллаган водий узра чарақлаб турган қуёш тасвиридан ҳамда ўнг томонида бугдой бошоқлари, сўл томонида очилган пахта чаноқлари сурати туширилган чамбардан иборатдир. Гербнинг юқори қисмида Республика жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган: саккиз қирра ичида жойлашган яримой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуг рамзидир. Герб марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турибди. Ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифодаловчи урандаги чамбар бандига «Ўзбекистон» сўзи битилган.

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон Халқ шоири

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Оқ йўракка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ юзиб, оқ тарагансан ўзинг бизни.
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.

Адоинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Қалқонингиз қасд қилса ким гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга,
Гулдек ўпиб, асрағаймиз остонангни,

Ёвлар яқин йўлламай қўрғонингга.
Фидоинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Тузинг тотиб унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади.
Тинч кунингни кўролмаган юртфурушлар,
Бир кун бир қафт тупроғингга зор бўлади.

Кўзларга сурғаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

Байрамларнинг гултожи бўлмиш истиқлол байрами тобора яқинлашмоқда. Айни кунларда ҳаммамиз учун энг ардоқли, энг сеvimли бўлган улуг айёмни муносиб кутиб олишга қизгин ҳозирлик қўрилмоқда.

Жойларда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Яъни, янги-янги иншоотлар, тараққиётимиз одимларига илдамлик бағишловчи янги, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, маданият, санъат масканлари қуриб битказилмоқда. Турли-туман маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Уларнинг иштирокчилари, ташкилотчилари, бунёдкорлари эса, истиқлол туфайли юзага келган яратилиш, яшнатиш имкониятидан мамнун ҳолда Ўзбекистоннинг буюк келажагига зўр ифтихор билан тамайл тоши қўйишмоқда. Биз уларнинг айримлари билан учрашиб, кунини кеча Президентимиз Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллик бағрамига тайёргарлик қўриш масалалари бўйича айтган фикрлар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришни сўрадик.

Абдуқодир ЭРГАШЕВ,

Самарқанд кишлоқ хўжалик институтини ректори, профессор:

— Мустақилликнинг сўз билан таърифлаб бўлмас энг катта ютуғи нимадир? Фикримча, истиқлол халқимиз қалбига улуг бунёдкорлик руҳини уйғотди. Бу руҳ эски тоталитар тузумдан мерос қолган уруғ-аймочлик, махаллийчилик, худбинлик иллатларидан воз кечиб, Ватанини яхлит тасаввур этишга, халқни бирлаштиришга туртки бўлди. Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган ҳар бир фуқарода шу тушунча шаклланимоқда.

Бунёдкорлик руҳи беихоса улуг, салоҳиятли ишларга йўл очмоқда. Биргина Самарқандда қўл урилган катта ободончиликлар — Амир Темур хўбони, Имом Бухорий зияратгоҳи, Қўқсарой меҳмонхонаси мажмуи, янги шохбехат, раван йўллар бунинг ёрқин мисолдир.

Бугуннинг мақсади, вазифаси, бунёдкорлик руҳини ёвлар қалбига синдиришдир. Чунки кўп нарсалар ёвларга, уларнинг орзу-интилишларига боғлиқ. Навқирон авлоднинг юра-тида, онгида, шуурида юрт истиқлоли кезсин. Бунёдкорлик руҳи жўш урсин. Шунда нафақат байрамларимиз, ҳар кунимиз завқли, саодатли бўлади.

Баҳодир ИСЛОМОВ,

доцент:

— Юртбошимиз айтганларидек, мустақиллик миллатимизга, халқимизга кимдир томонидан ҳади этилган неъмат эмас. Уни халқимиз ўз эрксевар фарзандларининг қони эвазига қўлга киритган.

Уларни тарихда жуда кўп учратишимиз мумкин. Қолаверса, ҳозир, орамизда истиқлол учун, Ўзбекистон халқининг эмин-эркин яшаш, иқтисодиёти, маданияти, маънавиятининг илоҳи борича тезроқ юксалишини таъминлаш йўлида биллак кучи, юрак кўри, ақл-заковатини аямая, элим деб, юртим деб яшаётган фидокор инсонлар анчагина.

Ана шуларни топишимиз, барчага намуна қилиб кўрсатишимиз даркор. Бундан ташқари ҳаммамиз, ҳар биримиз истиқлолдек буюк неъматни кўз қорачиғидек асрашимиз, ҳимоя қилишдек буюк неъматга муносиб бўла оламиз.

Раҳимжон ХОЛМАТОВ,

ишчи:

— Тарих саҳифалари ас-лида бир ҳикмат. Уни ўқиб, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб, ундан тўғри хулосалар чиқарган инсонлар ҳеч қачон янги

йўлларини излашимиз керак.

Завар ҲАСАНОВА,
Самарқанд шахар Темирийул тумани халқ таълими бўлими раҳбари, «Адолат» СДП аъзоси:

— Кишилиқ тарихида буюк сиймолар кўп ўтган. Олиму шоирлар, тарихчилар, саръаткорлар, моҳир санъаткорлар... Уларнинг буюкликлари даъвола халқни, миллатни бирлаштиришда, Ватанга садоқат билан хизмат қилишларида намоён бўлган.

Бугун биз мустақилликнинг тўққиз йиллик байрамини нишонлаш арафасида турган эканмиз кўнглимиздан беихтиёр шу гаплар кечади. Истиқлол ажодларимиз қурашиб, орзу қилиб қолган буюк неъмат. Бу тугилиб ўсган уйини, Ватанини қадрлаган инсон мустақилликнинг қадрини теран англай олади. Чунки тақдир тақазоси билан чет элларда яшаб, киндик қони тўкилган бир сиким тупроқдан беихтиёр қуришга зор бандаларимизнинг аччиқ изтиропларини кўп бора эшитганмиз.

Демак мустақиллик биз учун йилда бир марта нишонланган байрам эмас. У ҳақимиз мазмуни, ҳамки, орзу-интилишларимиз сарҳадимасдир. Ватанга нисбатан эътиқоди бўлган халқ енгилмасдир. Ҳеч қандай ёв унга таҳдид сололмайди. Шундай экан, истиқлол боис қўлга киритган миллий тотувлиқни, ҳамжихат-ликни, юртимиздаги оқсоқилликни, саодатли кунларнинг қадрига етайлик.

Сўхбатдош: Каримжон РИХСИЕВ.

Айём тараддуди

ЭНГ ГЎЗАЛ ВА БЕТАҚРОР

Дунёда байрамлар кўп. Улар ўзига хослиги билан инсон қалбига олам-олам қувонч бағишлайди. Аммо шундай бир байрам борки, уни ҳеч нарсасга тенглаштириб бўлмайди. Бу — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрамидир.

Кунлар кетидан кунлар, ойлار кетидан ойлар ўтиб, биз эришган мислсиз шодиёна — истиқлолимиз тобора мустақиллашиб, ривож топиб бормоқда. Ҳадемай унинг 9 йиллигини бутун мамлакатимиз узра катта тантаналар билан байрам қиламиз. У истиқлолимиз боис эришган барча ютуқларимизнинг ўзига хос кўригига ҳам айланади. Барча шаҳар ва қишлоқларда бўлган каби мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида байрам катта тантаналар билан нишонланади. Айни кунларда уни айёмга ҳозирлаш ишлари қизгин олиб боришмоқда.

Бугун Мустақиллик майдонига ташриф буюрган одам беихтиёр бу ердаги қизгин меҳнатнинг шохиди бўлади. Ҳар

бир қурувчию дуррадгор, сувоқчию буюкчи, ҳайдовчию пайвандловчи юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда майдонни байрамга ҳозирлашга бекиёс улуш бўшмоқда. Бош пудратчи «12-трест» ҳиссдорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўча колоннаси, ёрдамчи пудратчилар — «Чимган» механизациялашган кўча колоннаси, 50, 52, 65-қурилиш бошқармалари бунёдкорлари қисқа фурсатларда, яъни 1 июлдан 1 августга қадар бу ердаги барча ишларни тугатишга ҳаракат қилишляпти. Бу билан ўтган қисқа, яъни 9 йил ичида эришган ютуқларимиз тараннум этиладиган шодиёналар маскани — Мустақиллик майдони кун сайин байрамона тусга кириб бормоқда. Томошагоҳдаги 10.700 уринли томошабинлар жойи, кўркам ва чиройли сахна, 42 метрли янги панно, ҳар бири 16 метр баландликдаги 8 та минора ва бошқа турли-туман сайқаллаштирилган жойлар бош майдон чиройини янада очиб юборади. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик айёми халқимизнинг энг гузал ва бетакрор байрамга айланади.

